

Ўзбекистон туманилик бўлажак новатор

Ўзбекистон туманида бугунги кун инновацион янгиликлари, бунёдкорлик фаолияти, рақамли технология, ахборот-коммуникация, илм-фан ва робототехника соҳасини севиб ўрганиб, пухта ўзлаштираётган ёшлар талайгина.

Ана шундай ёшлардан бири, кеча 8 ноябр куни Тошкент шаҳрида ўтказилган “Кашфиётчи болалар” кўрик танловининг республика босқичида ўз иқтидорини намойиш этди.







Ўзбекистон тумани “Баркамол авлод” болалар мактаби “Компьютер муҳандиси” тўгараги аъзоси Мухаммадзиё Ахмаджонов республика кўрик танловининг “Конструкторлик” йўналишида муносаб иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни қўлга киритди ҳамда Халқ таълими вазирлигининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2021-11-09 11:32:45